



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING

BUYRUG'I

20 22 yil " 29 " 04

№ 135

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида давлат харидлари тизимини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сонли Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги “2022-2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида”ги ПҚ-216-сонли Қарорини инобатга олган ҳолда, Соғлиқни сақлаш вазирлиги (кейинги ўринларда матнда - вазирлик)нинг буюртмасига кўра, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан давлат харидлари жараёнини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирларни белгилаш мақсадида,

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-216-сонли Қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича қабул қилинган қарорлари билан тасдиқланган Давлат дастурларида белгиланган тадбирларни амалга ошириш ҳамда шу мақсадлар учун ажратилган бюджет маблағларидан ўз вақтида, мақсадли ва самарали фойдаланиш, шунингдек, тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар, реагентлар, реактивлар, бутловчи қисмлар, сарфлов воситалари, дори воситалари ва тиббий буюмлар билан узлуксиз таъминлаш мақсадида, давлат харидлари вазирлик буюртмаси асосида “O‘zmedimpeks” МЧЖ томонидан амалга оширилиши белгиланганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. “O‘zmedimpeks” МЧЖ (Д.Каттаходжаев)га тузилаётган воситачилик шартномаларига кўра бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан воситачилик ҳақи эвазига ўз номидан вазирлик буюртмасига асосан давлат харидларини амалга оширувчи воситачи ташкилот, шунингдек, вазирлик **Харид комиссиясининг ишчи органи** вазифалари юклатилсин.

3. Давлат харидлари жараёнларини шаффоф, унумли ва тезкор ташкил этиш мақсадида вазирликнинг Харид комиссияси таркиби **иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Харид комиссияси:

давлат харидлари жараёнларини қонунчиликда белгиланган тартиб ва тамойилларга мувофиқ ташкил этиши;

давлат харидларини шаффоф ўтказилиши ва ғолибни танлашда шахсан манфаатдор бўлмаслиги;

ўз фаолиятини биринчи навбатда сифатга ва тежамкорликка қаратиши; заруратга кўра, комиссия таркибига мутасадди ташкилотлар мутахассисларини эксперт сифатида жалб қилиши мумкинлиги белгилаб қўйилсин.

4. “O‘zmedimpeks” МЧЖ (Д.Каттаходжаев) Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (С.Максудов) билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида йўналишлар кесимидаги ғазначилик ҳисоб рақамлари очилишини таъминласин;

марказлашган маблағлар бўйича харажатлар сметасини ўрнатилган тартибда ишлаб чиқиб тасдиқласин ва вазирликдан рўйхатдан ўтказилсин;

вазирлик буюртмасига асосан ўз вақтида давлат харидларни қонунчиликка мувофиқ амалга оширсин.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари О.Фазилкаримов зиммасига юклатилсин.

Вазир



Б. Мусаев

Соғлиқни сақлаш вазирининг
2022 йил 29 апрелдаги
135 - сонли буйруғига
ИЛОВА

**Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Харид комиссияси
таркиби**

№	Ф.И.Ш	Лавозими
1	О. Фазилкаримов	Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари, Харид комиссия раиси
2	У. Рискиев	Даволаш-профилактика ёрдами ташкиллаштириш бош бошқармаси бошлиғи, Харид комиссия раиси ўринбосари
3	Д. Асатуллаев	Иқтисодий таҳлил ва услубият бошқармаси бошлиғи, комиссия аъзоси
4	Д. Игамбердиева	Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи, комиссия аъзоси
5	А. Хайдаров	Дори воситалари ва тиббий буюмлар муомаласини тартибга солиш ва мурувват ёрдами мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи, комиссия аъзоси
6	У. Эгамов	Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги директорининг биринчи ўринбосари, комиссия аъзоси
	Н. Расулов	Инвестиция ва грант лойиҳаларини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи, комиссия аъзоси*
7	Б. Курбанов	Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғининг ўринбосари, комиссия аъзоси
	Ф. Гаппаров	Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш бошқармаси, комиссия аъзоси*
8	Д. Каттаходжаев	“O‘zmedimpeks” МЧЖ директори, комиссия котиби (овоз бериш ҳуқуқсиз)
	Х. Мамадалиев	Давлат харидлари бўйича масъул бошқарма (бўлим) бошлиғи, комиссия котиби (овоз бериш ҳуқуқсиз)*

Изоҳ: комиссия аъзоси бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг ўрнига тайинланган ёки функцияларини бажариб туриш зиммасига юклатилган шахс комиссия таркибига киритилади

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарати харид жараёнлари учун Харид комиссиясига аъзолик қилувчилар, мазкур ходимлар комиссия йиғилишига жалб этилганда мос равишда бир бандда қайд этилган иккинчи комиссия аъзоси комиссия йиғилишида иштирок этмайди*